

СИГИРЛАР МАҲСУЛДОРЛИГИГА ВА ЖИНСИЙ ФАОЛЛИГИГА
МИКРОИҚЛИМНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация

Внедрение ветеринарно санитарных мероприятий на основе современных научных технологий животноводства в животноводческих хозяйствах направлено на снижение уровня заболеваемости животных.

Summary

The introduction of veterinary and sanitary measures on the basis of modern scientific technologies of animal husbandry in livestock farms is aimed at reducing the incidence of animal diseases.

Калим сўзлар: зоогигиена, санитария, микроиқлим, параметрлар, мўътадил, ҳаво ҳаракати, намлик, нисбий намлик.

Қириш. Чорвачиликни хусусий фермер хўжалигига айлантирилиши катта-катта фермаларни ўрнида кичик фермаларнинг пайдо бўлиши, уларни ветеринария ва зоогигиеник талабларга жавоб берадиган ҳолатда қуриш долзарб масалалардан биридир. Зоогигиеник талаблардан бири бу молхоналардаги микроиқлим кўрсаткичларидир.

Чорвачиликни ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омиллардан бири бу ҳайвонларга керакли мўътадил шарт-шароитларни яратиб бермаслик, зоогигиеник талаб ва қондаларига риоя қилмасдан қурилган молхоналарда сақланган ҳайвонлар маҳсулдорлигини пасайтиради, қисир қолиш, касалланиш даражаси ошиб, ёш молларда эса ўлим кўпаяди.

Ҳайвонларни ўраб турган ҳаво муҳити (микроиқлим) билан биргаликда, озиклантириш, сақлаш ва асраш омиллари ҳайвон танасидаги ташқи ва ички таъсирларига қуралиш қобилиятини (резистентлигини) ҳамда маҳсулдорлигини оширишда асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Материаллар ва методлар. Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароити асосан ёз ойларида қуёш нури ва иссиқ иқлимнинг таъсирида ҳайвонлар тана ҳароратининг кўтарилиши, кўп сув талаб этиши, безовталаниши маҳсулдорлигини пасайиши билан ифодаланади.

Бунинг натижасида ҳайвонлар танасида ҳаво алмашиниши бузилиб, тана ва тери ҳароратининг кўтарилишига, юрак уриши ва нафас олишини тезлашишига, ўпкада ҳаво алмашинуви ва қон айланишини сусайишига олиб келади.

Ўзбекистон иқлими тез ўзгарувчандир, ёз ой-

ларида ҳаво ҳароратининг 45°C ва ундан юқори бўлганда ўртача намлик 15-19 % кузатилади.

Аммо бундай иқлим шароитларида қурилайётган молхоналар тўлиқ иссиқ иқлим шароитлари талабларига жавоб беролмайди. Шуларни инобатга олган ҳолда иссиқ иқлим таъсирини ҳайвонлар танасининг физиологик ҳолатини яхшилашга, маҳсулдорлигини оширишга қаратилган чора тadbирлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Иссиқ иқлим шароитини ҳайвонлар танасига салбий таъсирини камайтириш омиллардан бири бу ҳаво ҳаракатини яхшилаш ҳайвонларни сақлаш ва озикланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишдир.

Ҳайвонларни ташқи иссиқ ҳаводан сақлашнинг илмий асосланган усуллари яратиш бу организмни физиологик ҳолатини яхшилашга, маҳсулдорлигини оширишга, кўпайиш аъзолари касалланишини ва соғлигини сақлашга қаратилиши лозим.

Жазирама иссиқ шароитни ҳайвонлар танасига салбий таъсир этишини олдини олишни бирдан-бир ва маъқул усулларида бири бу иссиқ шароитда ҳайвонлар сақланадиган жойда ҳаво ҳаракатини йўлга қўйиш, ҳамда яхши шароит яратиш, усти ёпиқ жойларда озиклантиришни ташкил қилишдан иборатдир. Юқоридагиларни инобатга олиб биз ўз олдимизга сигирлар сут маҳсулдорлигига ва кўпайиш аъзоларига молхоналардаги микроиқлим таъсирини ўрганишни мақсад қилиб олдик.

Микроиқлим кўрсаткичларини сигирлар сут маҳсулдорлигига ва кўпайиш аъзоларига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар 2017-2018 йиллар давомида Қорақолпоғистон Республикаси, Навоий

ва Самарканд вилоятлари сут-товар фермаларида олиб берилди.

Таъриблар 4 та молхонада 500 дан зиёд ҳар хил иккин соғин сигирларда олиб борилди. Сигирлар маҳсулдорлиги ва соғлиги микроклимни таъсир қилишидан қатъий назар фасллар бўйича таъриб берилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Текширишларимиз шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароити ёз пайтларида асосан ташқи ҳаво ҳарорати ички ҳавога қараганда иссиқ бўлишини кўрсатиб, молхоналарда ўрнатилган табиий вентилицион (ҳаво алмаштирувчи) шахталар ҳаво алмашинувини таъминлаб беролмаслигини кўрсатиб, таърибада бўлган фермаларнинг 2 таси табиий ва 2 тасида эса сунъий ҳаво алмаштиргичлар ўрнатилгани молхоналарда ҳаво алмашинуви, табиий ҳаво алмаштириш шахталари ўрнатилган молхоналарга нисбатан 20 марта яхшироқ ҳаво алмашинувини кўрсатди.

Шундай қилиб, сунъий ҳаво алмаштиргич ўрнатилган фермаларда ҳаво алмашиши тезлашиши натижасида сигирхоналарда ҳаво ҳаракати $1,5-2,9^{\circ}\text{C}$ га пасайиши, ўртача намлик $2,0-3,0\%$ гача, микроорганизмлар колонияси сони 1 м^3 да бўлган ҳавода 4190 тага, карбонат ангидрид гази $0,3\%$ га, аммиак $0,020\text{ мг/л}$ га табиий ҳаво алмаштиргич ўрнатилган сигирхоналардан камлиги аниқланди.

Сигирхоналардаги ҳаво алмашинувининг тезлашиши ҳайвонлар организмида иссиқлик алмашинувини яхшиланиши билан биргаликда ферма ичидаги ҳавонинг санитария ҳолати яхшилانганлигига, ҳамда захарли газларнинг ҳавода камайганлигини кўрсатди. Фермадаги ҳаво алмашинувини механик (сунъий) усулда тезлаштириш сигирлар клинко-физиологик ҳолатига ҳам ижобий таъсир қилиб, сут маҳсулдорлигининг кўпайишига, кўз касалликлари, коринлар атонияси, йўлдош ушланиб қолишини камайишига олиб келди. Ёз ойларида фермадаги ҳаво алмашинувини сунъий йўл билан тезлаштириш натижасида таърибада бўлган сигирлар сут маҳсулдорлиги $10,4\%$ ошган бўлса куйга келиши $16-21\%$ га ошиб, жинсий аъзолар касалликларига чалиниши 25% назоратдагига нисбатан камайганлиги таърибаларда исботланди.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўлдики, хозирги кунда чорвачиликни хусусий фермер

хўжаликларига ўтказилиши қурилатган чорвачилик фермаларининг кўпида нафақат сунъий, балким табиий ҳаво алмаштиргич шахталари ҳам қўйилмаганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз, бу эса ҳайвонларга берилаётган озуқаларга нисбатан маҳсулот беришининг камайишига олиб келмоқда. Таърибалардан шу маълум бўлдики, сигирларни ёз ойларида сут бериши бошқа фаслларга қараганда $2,0-5,0$ литргача камайганлиги аниқланди. Бу шундан далolat берадики, ёз фаслида танадан кўп миқдордаги сувни тер билан чиқиб кетиши билан исботланди.

Таърибада бўлган фермалардаги микроклим шароитини меъёрида бўлмаслиги натижасида (йилнинг фасилларидан қатъий назар) сақланаётган сигирларни туққандан кейинги даврни $15-18$ кунга, туққандан кейин куйга келиши $18-20$ кунга узайиши, йўлдош ушланиб қолиши $40,5-55\%$ сервис даврини $17-18$ кунга узайганлиги аниқланди.

Хулоса. Таърибалардан шу нарса маълум бўлдики: хусусий-фермер хўжаликларида мавжуд фермалар зооветеринар нормативлари асосида қурилмай уларда сақланаётган ҳайвонларга қулай шароит яратилмаслиги натижасида талаб даражасида берилаётган озиқа ҳисобига маҳсулот бермаётганлиги аниқланди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, сигирхоналарни лойиҳа асосида қуришни ташкил қилиш натижасида уларда сақланаётган ҳайвонларга яшаш учун меъёردаги ҳарорат, намлик, ҳаво алмашинуви ва бошқа микроклим кўрсаткичларини бутун йил давомида яратиб бериш бу ҳайвонлардан тўла қонли фойдаланиб, маҳсулот олишни кўпайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рўзиев Ш.М. Зооэкология в условиях устойчивого развития. Мат. меж. конф. «Прикладная экология и устойчивое развитие» (ПЭУР -2005). - Карши-2005 г.
2. Рўзиев Ш.М. Кўлдошев О.У., Салоҳиддинова Х.С. Состояние животных в экологических условиях Кызылкума.
3. Исаев М.Т. О.У. Кўлдошев, А. Саидов. Сигирлар физиологик ҳолати ва маҳсулдорлик кўрсаткичларга микроклимнинг таъсири. Ветеринария тиббиёти Ж. 2018 й. № 7.